Куч — адолатда

2013 йил
26 январь,
шанба
№ 4 (413)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз опа-сингиллар, муҳтарама аёллар!

Аввалambор, сизларга — Ўзбекистон хотин-қизлари республика конференциясининг барча иштирокчиларига, сизларнинг тимсолингизда бутун мамлакатимиз аёлларига ўзимнинг чуқур ҳурматимни билдириб, анжуман ишига катта муваффақиятлар тилайман.

Бундан йигирма бир йил олдин ташкил топган Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ўзининг жойлардаги бўлимлари ва тузилмалари билан бирга ўтган қисқа давр мобайнида, айтиш мумкинки, ўта муҳим ва масъулиятли, улкан вазифаларни амалга оширишда кўпгина ютуқ ва марраларга эришди. Бу ташкилотнинг мамлакатимиз аёлларининг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш борасидаги кўп қиррали фаолияти, жаҳон хотин-қизлар ҳаракатининг эътибор марказида турган долзарб масалаларни ҳал қилишга қўшган ҳиссаси, айниқса, охирги йилларда унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини кучайтиришга олиб келди.

Мамлакатимиз олдида турган устувор вазифаларни амалга оширишда — бу жамиятни демократик янгилаш бўладими, иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш бўладими, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият соҳаларини ривожлантириш бўладими — буларнинг барчасини мужассам қилиб айтганда, Ўзбекистонимиз эришган ва дунё ҳамжамияти тан олаётган марраларни эгаллаш йўлида бутун халқимиз қатори аёлларимизнинг ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган ҳиссаси борлигини бугун яна бир бор чуқур миннатдорлик билан эътироф этишни зарур деб биламан. Ҳақиқатан ҳам, улар ўзларининг меҳнатсеварлиги, оқилалик ва шукроналик фазилатлари, сабр-бардоши, эртанги кунга ишонч туйғуси билан барча қийинчилик ва машаққатларни енгиб, бошқаларга ўрнак бўлиб келаётганини кўплаб ҳаётий мисолларда яққол кўриш мумкин.

Шу борада ўзимизга мос қадрият ва қарашларимизни ифода этадиган муҳим бир масалага эътиборимизни қаратишни ўринли, деб ҳисоблайман.

Ҳар қайси оилада гўзаллик ва нафосат, меҳр-муҳаббат тимсоли, хонадонларимиз осойишталигининг посбони бўлмиш, бир сўз билан айтганда, оилани оилага, жамиятимизни жамиятга айлантирадиган аёл зотига қанча тасаннолар айтсак, қанча таъзим этсак — барибир барчамиз ўзимизни улар олдида доимо қарздор, деб ҳис қиламиз.

Фақатгина аёл зотига мансуб бўлган мана шундай ноёб, бетакрор хусусият ва фазилатларни таърифлаш ва улуғлаш, уларнинг кундалик турмушимиздаги аҳамияти ва таъсирини кучайтириш, оилаларимизни янада мустаҳкам қилиш, шу аснода ҳаётимизни ҳар томонлама обод, гўзал ва мазмунли этиш — бундай долзарб вазифалар бугунги кунда Хотин-қизлар қўмитаси иш фаолиятида эътибордан четда қолмаслигини истардим.

Такрор-такрор айтишга тўғри келади: ҳозирги вақтда оилани, хусусан, ёш оилаларни мустаҳкамлаш, оғирини енгил қилиш, улар дуч келадиган турли муаммоларни ечиш, зарур кўмак ва ёрдам бериш ҳам ана шу масалаларнинг узвий бир қисми эканини яхши англаб олишимиз лозим.

Ҳеч кимга сир эмас, ҳар бир ота-онанинг эзгу орзуси бўлган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш сингари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган вазифаларни амалга оширишда хотин-қизлар ташкилотлари ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятининг самарасини янада кучайтиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Муҳтарама опа-сингилларимизнинг ўз билим ва профессионал малакасини, салоҳияти ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари учун, аёлларимиз, ёш қизларимизни, айниқса, қишлоқ жойларида иш билан таъминлаш, касаначилик, оилавий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар туғдириб бериш бугунги куннинг энг долзарб вазифалари қаторига киради.

Ҳозирги вақтда дунёда ва минтақамизда вазият тобора кескинлашиб, ўзаро қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб бораётган бир шароитда оилаларда, маҳаллаларда фаол иш олиб бориш, ёш авлодимизни турли зарарли оқим ва таъсирлардан сақлаш, азал-азалдан халқимизга мансуб бўлган инсоний фазилатларни асраш қандай муҳим аҳамият касб этаётганини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шу борада болаларимизни, айниқса, қиз болаларни соғлом руҳда тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни, ҳаётда ўз муносиб ўрнини эгаллашига кўмаклашиш, урф-одат ва маросимларни давр талаблари билан уйғунлаштириш Хотин-қизлар қўмитаси, унинг жойлардаги вакиллари ва фаоллари, диний-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилар олдида турган энг муҳим вазифадир.

Бугунги анжуманда сизлар айни шу йўналишда олиб бораётган ишларингизга танқидий баҳо бериб, хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятини янги, юқори босқичга кўтаришга қаратилган амалий қарорлар қабул қиласиз, деб ишонаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, ишларингизда янги муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкентда 25 январь куни Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Ушбу анжуман қўмитанинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти ва Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор вазифалар, шунингдек, 2013 йилнинг мамлакатимизда Обод турмуш йили деб эълон қилиниши муносабати билан бажариладиган ишлар таҳлилига бағишланди.

Буюк бунёдкорлик ишларининг фаол иштирокчилари

Конференцияда туман, шаҳар ва вилоят хотин-қизлар қўмиталарининг конференцияларидан сайланган делегатлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Конференция делегатлари Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар. Улар, шунингдек, Ватанимиз пойтахтида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, янги маҳобатли бинолар ва спорт мажмуалари қурилиши билан танишдилар.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларининг республика конференцияси иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Конференция қатнашчилари Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларининг республика конференцияси иштирокчиларига табригини кўтаринки руҳ билан қабул қилдилар. Улар мамлакатимиз хотин-қизларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жамиятдаги мавқеи ва ролини ошириш борасида эришилаётган барча ютуқлар давлатимиз раҳбарининг бевосита эътибори ва ғамхўрлиги самараси эканини таъкидладилар.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Боситхонова қўмитанинг ўтган даврдаги фаолияти ва унинг истиқболдаги вазифалари ҳақида маъруза қилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришга, ҳаётнинг барча жабҳаларини модернизация қилиш ва янгилашга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мазкур улкан бунёдкорлик ишларидан кўзланган асосий мақсад инсон манфаатларини таъминлаш, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун муносиб турмуш шароитини яратиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида одамларнинг салоҳиятини янада ривожлантириш, миллий ўзликни англаш ва жамиятдаги маънавиятни мустаҳкамлашдан иборат. Мамлакатимизнинг бу йўлда эришган барча ютуқлари Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, бугунги кунда бутун дунёда тан олинган, ижтимоий йўналтирилган ривожланишнинг "ўзбек модели" самараларидир.

Амалга оширилаётган чуқур ислоҳотлар доирасида жамиятда хотин-қизларнинг мавқеини юксалтиришга, уларнинг интеллектуал ва маънавий ривожланиши, билим ҳамда замонавий касбларни эгаллаши, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётда фаол иштирок этиши учун барча шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, фақат ҳар томонлама билимли, оила ва жамият олдидаги юксак масъулияти ва бурчини чуқур англайдиган, ўзининг хайрли ишлари билан Ватан равнақига ҳисса қўшишга интиладиган хотин-қизларгина буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўла оладиган, янги ҳаётни барпо этиш бўйича олдимизда турган энг муҳим вазифаларни амалга оширишга қодир ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиши мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1991 йил 27 декабрда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташкил қилинди. Ушбу нодавлат нотижорат ташкилотининг асосий мақсади — хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг социал, ижтимоий-ҳуқуқий ва меҳнат жабҳасидаги фаоллигини, ҳуқуқий ва иқтисодий билим даражасини юксалтириш бўйича хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш ва эҳтиёжларини янада тўлароқ таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1995 йил 2 март куни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ҳудудий хотин-қизлар қўмиталарининг раислари эса жойлардаги ҳокимларнинг ўринбосарлари этиб тайинланиши белгиланган.

Жамиятимизда хотин-қизларнинг мавқеини ошириш борасидаги навбатдаги қадам 2004 йилда Ўзбекистон сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар билан боғлиқ. Уларга кўра, сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатликка номзодларни кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоизлик квота ажратилиши кўзда тутилган. Мазкур меъёрнинг жорий этилиши натижасида ҳозирги пайтда хотин-қизлар Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг 22 фоизини ташкил этади.

(Давоми иккинчи бетда)

Xabar

Судьялар Ассоциациясининг съезди

Тошкентда Ўзбекистон Судьялар Ассоциациясининг навбатдаги съезди бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, мамлакатимиз суд тизимида фаолият кўрсатаётган судьялар томонидан сайланган делегатлар, давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси раиси С.Ортиқова, Конституциявий суд раисининг ўринбосари Б.Мирбобоев, Олий хўжалик суди раиси Д.Мирзакаримов, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимининг босқичма-босқич демократлаштирилаётгани самарасида мамлакатимизда қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари тўлиқ таъминланаётганини таъкидлади.

(Давоми иккинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий судида умумий юрисдикция судларининг 2012 йил давомида одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти натижалари ҳамда истиқболдаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган изчил ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани таъкидланди. Бу жараёнда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган ишлар, соҳага оид янги қонунлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётир.

(Давоми иккинчи бетда)

Yangi qonun mohiyati

Тезкор-қидирув фаолияти

бу борадаги ҳуқуқий асослар такомиллаштирилмоқда

Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида жамиятимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолаётгани алоҳида таъкидланган эди.

Давлатимиз раҳбари суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш йўналишидаги вазифаларни белгилаб берар экан, **"Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"**ги қонунни қабул қилиш таклифини ҳам билдирганди. Мазкур қонун жиноятлар содир этилишининг дастлабки босқичларидаёқ уларнинг олдини олиш ва ўз вақтида тўхтатиш бўйича чораларнинг самарадорлигини, шунингдек, суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини оширишга хизмат қилиши лозимлигини қайд этилган эди.

(Давоми учинчи бетда)

Xabar

Судьялар Ассоциациясининг съезди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 2 августда қабул қилинган **"Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги ҳамда 2012 йил 30 ноябрдаги **"Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"**ги фармонлари соҳа вакилларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш кафолатларини кучайтириш, суд кадрларини танлаш тизимини янада такомиллаштиришда муҳим дастурилмал бўлмоқда.

Ўзбекистон Судьялар Ассоциацияси мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларига муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, янги қабул қилинган қонунлар моҳиятини жамоатчиликка етказиш, судьялик касбининг нуфузи ва обрў-эътиборини янада ошириш, умуман, суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг ижросини таъминлаш борасида изчил ишлар бажарилмоқда.

Тадбирда ассоциациянинг кейинги беш йил давомида амалга оширган ишлари сарҳисоб қилиниб, унинг янада самарали фаолият юритиши учун бажарилиши зарур бўлган мақсад ва вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, ассоциация уставига бугунги кун талабларидан келиб чиқиб ўзгартиришлар киритиш, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини тегишли идоралар билан ҳамкорликда жамоатчилик ўртасида изчил тарғиб қилиш, бу борада жойларда ўтказиладиган давра суҳбати, конференция ва йиғилишларни юқори савияда ташкил этиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Судьялар Ассоциациясининг раиси, марказий кенгаш аъзолари ва тафтиш комиссиясининг янги таркиби сайланди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий судида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мамлакатимиз умумюрисдикция судлари одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида самарали фаолият юритмоқда. 2012 йилда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 161 мингдан ортиқ иш кўрилиб, уларнинг 84,7 фоиздан зиёди бўйича ҳал қилув қарорлари чиқарилди. Мазкур қарорлар бўйича даъво талабларининг 89,4 фоиздан ортиғи қаноатлантирилди. Шу билан бирга, 658 миллиард сўмдан зиёд маблағ ундириш ҳақида 1,9 миллиондан ортиқ суд буйруғи чиқарилди.

Судлар томонидан 2012 йилда кўрилган жиноят ишлари сони 2011 йилга нисбатан 9,9 фоизга, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар сони эса 3,1 фоизга камайди. Айрим жиноят турлари, хусусан, ўғрилик, безорилик, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талонторож қилиш, қасддан баданга шикаст етказиш, талончилик, босқинчилик ва ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш каби жиноятлари учун судланганлик кўрсаткичлари ҳам камайди.

2012 йилда ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижасида 12 минг нафардан ортиқ, мазкур институт амалиётга жорий қилинганидан буён эса, 138 мингдан зиёд шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан ҳисобот даврида 89 миллиард сўмдан ортиқ моддий зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган 2700 нафардан зиёд шахсга нисбатан, ушбу қонун ҳаётга татбиқ қилинганидан буён эса, 246 миллиард сўмдан зиёд моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 23 мингдан ортиқ шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда судлар томонидан йўл қўйилган камчиликлар ва суднинг обрўсига путур етказадиган қонун бузилиши ҳолатлари атрофлича муҳокама этилди. Судья ва суд ходимларининг масъулиятини, касб маҳорати ва малакасини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Одил судловни амалга оширишда судьялар томонидан қонуний ва адолатли суд қарорлари қабул қилиниши суд ҳокимиятининг обрў-эътиборини юксалтирадиган, аҳолининг унга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган муҳим омил эканлиги алоҳида таъкидланди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Буюк бунёдкорлик ишларининг фаол иштирокчилари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ушбу барча чора-тадбирлар хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш масалаларини ҳал қилишга кенг жалб этишга, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришга, оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш ишларини кучайтиришга, шунингдек, вазирликлар, идоралар, ҳудудий бошқарув органлари ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Қайси соҳада бўлмасин, хотин-қизларнинг Ватан равнақи йўлидаги фидокорона меҳнати, мамлакатимизда ёш авлодни - жисмонан соғлом, маънан етук, интеллектуал ривожланган йигит-қизларни тарбиялашга қўшаётган улкан ҳиссаси муносиб баҳоланмоқда. Улар орасида нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам машҳур инсонлар — корхоналар, ташкилотлар ва ННТ раҳбарлари, фермерлар, шифокорлар, фан, маданият, санъат, таълим соҳалари намояндалари кўп. Қатор хотин-қизлар Ватанимизнинг юксак мукофоти — Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг фаровонлигини таъминлаш учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда, қишлоқда яшайдиган аёлларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Сўнгги йилларда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида минглаб замонавий, қулай ва шинам уй-жойлар бунёд этилди. Аҳолининг даромадлари ўсиши ва кенг истеъмол кредитларининг ташкил қилиниши самарасида бугун мамлакатимиздаги ҳар бир оилада аёлларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллаштирувчи замонавий маиший техника мавжуд. Оилаларга, биринчи галда, ёш оилаларга ипотека кредитларини ажратиш орқали уй-жой харид қилиш ва қуришда ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси жадал ривожланмоқда, бу ҳам аёлларнинг кундалик турмуш ташвишларини енгиллаштиришга кўмаклашмоқда. Буларнинг барчаси жамиятимизда хотин-қизларга ҳурмат ва эътиборнинг нақадар юксак эканлигидан далолатдир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони мазкур қўмита фаолиятини янада такомиллаштириш борасида янги имкониятлар очиб берди.

Ўтган давр мобайнида хотин-қизларнинг ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатини амалга оширишдаги иштирокини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази билан ҳамкорликда бу соҳадаги энг муҳим халқаро ҳужжат — БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш бўйича конвенциясининг қоидаларини амалга ошириш бўйича иккита миллий ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Барча соҳаларда гендер тенглигини таъминлаш бўйича Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари хизматларидан умумфойдаланиш, хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилиши ишларида иштирок этиш имкониятини кенгайтириш бўйича Ўзбекистонда қабул қилинаётган чора-тадбирлар жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси қошида Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш соҳасида жамоат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича жамоатчилик кенгаши ташкил қилинган. Таълим муассасалари, корхоналар, ташкилотлар ва маҳаллаларда "Соғлом она — соғлом бола" дастури доирасида аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, ёшларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини тарбиялаш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш бўйича маърифий ишлар олиб борилмоқда. Адлия органлари билан ҳамкорликда ўрта махсус ўқув юртларида "Ёш оилалар мактаблари" ташкил қилинган. Мураккаб турмуш шароитига тушиб қолган хотин-қизларга психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда. Психологлар, юристлар, маҳаллалар фаоллари иштирокида оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш ишлари изчил олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда оилавий спорт, хотин-қизлар ва болалар спорти жадал тараққий этмоқда. Барча ҳудудларда хотин-қизлар учун 39 спорт тури бўйича 35 минг секция ташкил қилинган. Уларда бугунги кунда 3,5 миллиондан зиёд хотин-қиз шуғулланмоқда. Ҳар йили ҳудудий хотин-қизлар спорт фестивалларини ўтказилмоқда. Аёлларни, айниқса, қизларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб қилиш уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳаёт сифатини юксалтириш имконини бермоқда. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг ўртача умр кўриши 7 йилга узайиб, ҳозирги кунда 75 ёшни ташкил этаётгани бундан ёрқин далолатдир.

Хотин-қизлар бандлиги масалаларини ҳал қилишга, биринчи галда қишлоқ жойларда уларнинг меҳнат шароитларини яхшилашга, уларни тадбиркорлик фаолиятига, аввало, кичик ва оилавий бизнес соҳаларига, хизмат кўрсатиш, фермерлик ва касаначиликка жалб қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Уларга ўз бизнесини очиши учун ажратилаётган кредитлар ҳажми ортиб бормоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларга 491,7 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

Мамлакатимиз Президентининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган фармонига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий қилинган. Ушбу муҳим вазифаларни аҳоли ўртасида обрў қозонган, чуқур билим ва бой ҳаётий тажрибага эга аёллар бажармоқда. Уларнинг фаолият доирасига жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлаш, халқимизнинг энг яхши анъаналарини, меҳр-мурувват, бағрикенглик, саховат каби фазилатларни ривожлантиришга оид масалалар киради. Айни пайтда маҳаллалар маслаҳатчилари хотин-қизлар ва ёш авлод вакиллари ўртасида турли бузғунчи кучлар томонидан уларнинг онгига таъсир ўтказишга бўлаётган уринишларга нисбатан маънавий етуклик ва қатъиятли бўлиш фазилатларини тарбиялаш бўйича изчил ишларни олиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳар томонлама баркамол ёшларни, шу жумладан, қизларни тарбиялаш борасида алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган. Ушбу мукофот ўқишда, ижодда ва ижтимоий ҳаётда юксак натижаларга эришган қизларга берилади.

Конференцияда эришилган ютуқлар билан бир қаторда, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, унинг ҳудудий бўлинмалари ва тузилмалари фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар ҳам муҳокама қилинди, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Таъкидландики, мамлакатимизнинг хотин-қизлар ташкилотлари улкан салоҳиятга ва фойдаланилмаётган имкониятларга эга. Хусусан, уларнинг мамлакатимизда, биринчи навбатда жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлардаги ролини, баркамол ёш авлодни тарбиялаш, хотин-қизлар ва ёшларнинг онги ва дунёқарашини кенгайтириш, шу жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ёш оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, хотин-қизлар тадбиркорлигини кенг ривожлантириш бўйича ишларни янада фаоллаштириш жараёнидаги иштирокини кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Конференцияда бу вазифаларнинг барчаси мамлакатимизнинг ҳозирги замонавий ривожланиш тенденцияларига мос равишда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини янада юқори даражага кўтаришни, айни пайтда мамлакатимизнинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлашни тақозо этаётгани таъкидланди.

Муҳокамада конференция делегатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф.Абдураҳимова, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар қўмитасининг раиси З.Иброҳимова, вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, вилоят хотин-қизлар қўмиталарининг раислари — И.Каримова (Қашқадарё вилояти), М.Азизова (Наманган вилояти), С.Файзиева (Тошкент вилояти), халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши депутати, Фориш туманидаги "Фортекс" корхонаси раҳбари Б.Тўраева, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати, Қашқадарё вилояти Муборак тумани Иссиқликэлектрмарказининг илмий ходими Х.Холиқова, Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича бўлим инспектори Ш.Ҳидоятова, Фарғона вилояти Учкўприк туманидан касаначи И.Рашидова ва бошқалар сўзга чиқди.

Конференция иштирокчилари муҳокама натижалари бўйича Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, шунингдек, 2013 йилнинг Обод турмуш йили деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва оилани мустаҳкамлашда хотин-қизларнинг ролини кучайтириш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги кенг иштирокини таъминлаш бўйича 2013-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурини қабул қилди. Айни пайтда давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада тўлароқ таъминлаш мақсадида белгиланган янги вазифалар алоҳида долзарб аҳамиятга эга экани таъкидланди. Зеро, бу вазифаларнинг амалга оширилиши ушбу жараёнларни янада чуқурлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Конференция делегатлари, шунингдек, ушбу вазифаларнинг жойлардаги муҳокамаси ва хотин-қизлар қўмиталарининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган чуқур демократик ислоҳотлардаги иштирокини фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Конференцияда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг Устави янги таҳрирда қабул қилинди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бошқарувининг таркиби сайланди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг раиси этиб Э.Боситхонова сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

Qilmish-qidirmish

Бурч ва

Солиқлар давлат бюджетини шакллантириш, иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Бу, ўз навбатида, аҳоли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимлари фаолиятини янада яхшилашга йўл очади. Солиқларни тўлаш эса, ҳар бир фуқаронинг муҳим бурчи бўлиб, уни ўз вақтида амалга ошириш халқ фаровонлигига хизмат қилади.

Шуни унутмаслик лозимки, солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар, айтайлик, тушумларни солиқдан яшириш ёки камайтириб кўрсатиш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш қонун доирасида жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Фикримизни ҳаётий мисоллар ёрдамида давом эттирайлик.

Хусусий фирма раҳбари Абдухолиқ Шаҳриев 2004 йилда Навоий шаҳар давлат солиқ инспекциясидан тегишли тартибда солиқ тўловчи сифатида мазкур фирмани рўйхатдан ўтказган ва унинг раҳбари лавозимида фаолият юритиб келган. Бироқ у солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида 2008-2011 йиллар ва 2012 йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида жами 9 миллион 383,1 минг сўм солиқ ва ажратмаларни ҳисоботдан яширган. Оқибатда А.Шаҳриев Жиноят кодексининг 184-моддаси 2-қисми "б" бандида назарда тутилган жиноятни қасддан содир қилган.

Келинг, Абдухолиқ Шаҳриевнинг ноқонуний фаолиятини таҳлил қилиб кўрайлик. У Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги **"Нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори талабларини қўпол равишда бузган. У 2008 йилда макарон сотишдан тушган 21 миллион 818 минг сўм пулни назорат касса машинасидан ўтказмаган бўлса, қонунга зид бу фаолиятини 2012 йилда такроран содир этган. Аниқроқ айтганда, у ўтган йилнинг биринчи ярмида 10 миллион 77 минг сўм нақд пул тушумини назорат касса машинасига кирим қилишни гўёки «унутиб» қўйган.

А.Шаҳриев раҳбарлигидаги хусусий фирма аҳолига сауна хизмати кўрсатиш билан ҳам шуғулланган. Буни қарангки, нафс домига илинган бу кимса 2011 йил ва 2012 йилнинг биринчи ярмида аҳолига хизмат кўрсатишдан тушган жами 76 миллион 963,6 минг сўм нақд пул тушумларини назорат касса машинасида қайд этиб, банк муассасасига топшириш ўрнига шахсий манфаатлари учун ишлатиб юборган. Бу билан А.Шаҳриев Жиноят кодексининг 189-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Афсуски, А.Шаҳриев тадбиркорларга ва тадбиркорликка берилган имтиёз ва имкониятларни суиистеъмол қилиш йўлига ўтиб олганди. Чунки у шахсий манфаатини кўзлаб, расмий ҳужжат ҳисобланган банк имзо намуналари варақларига, давлат солиқ инспекциясига топширилган ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатларга 2008 йил мобайнида фирма бош ҳисобчиси М.Қурбонова номидан, 2009 йилдан эса, О.Қурбонов номидан ўзи имзо қўйиб келган. Бу билан А.Шаҳриев давлат ва жамоат манфаатларига жиддий зарар етказиб, Жиноят кодексининг 209-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилган.

Халқимиз "қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан сўнг ҳам чиқади", деб бежизга айтмаган. Хусусий фирма фаолияти юзасидан СВОЖЖДЛҚК департаментининг Навоий шаҳар бўлими ҳамда шаҳар солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ҳужжатли текшириш ўтказилганда А.Шаҳриевнинг қонунга хилоф ишлари ошкор бўлди.

Yangi qonun mohiyati

Тезкор-қидирув фаолияти

бу борадаги ҳуқуқий асослар такомиллаштирилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу омиллардан келиб чиққан ҳолда, **"Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"**ги қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 7 ноябрда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2012 йил 5 декабрда маъқулланди ва 2012 йил 25 декабрь куни Президентимиз томонидан имзоланди.

Расмий эълон қилинган кундан эътиборан ўн икки ой ўтгач, кучга кириши назарда тутилган ушбу қонуннинг асосий мақсади — тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишдан иборатдир.

Тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифалари инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳимоя қилинишини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, уларни бартараф этиш, тез ва тўлиқ фош қилиш, шунингдек, жиноятларга тайёргарлик кўриш ва содир этишга дахлдор шахсларни аниқлаш ҳамда топишдан иборат эканлиги ушбу янги қонунда белгилаб қўйилди. Шунингдек, суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган шахсларни, бедарак йўқолган шахслар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларни қидиришни амалга ошириш, таниб олинмаган мурдаларнинг шахсини аниқлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солаётган шахслар, ҳодисалар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ҳақида ахборот тўплаш ишлари ҳам ушбу фаолиятнинг асосий вазифалари сирасига киритилди.

Мазкур қонунда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги принципи алоҳида модда билан белгилаб қўйилгани мамлакатимизда инсон омилига бўлган эътибор давлат сиёсатининг муҳим стратегик мақсадларидан бири эканлигининг яққол намунасидир. Жумладан, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ҳамда уларнинг ходимлари тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш чоғида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиши, улар томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда, мазкур органлар ҳамда уларнинг раҳбарлари бузилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни тиклаш, етказилган зарар ўрнини қоплаш ҳамда айбдорларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чораларини кўриши шартлиги янги қонунда ўз ифодасини топган.



Айтиш керакки, ушбу янги қонунга биноан, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти мамлакатимиз ҳудудида тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга бўлдилар. Бошқа давлат органлари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бу фаолиятни амалга ошириш тақиқланади.

Бинобарин, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тезкор-қидирув тадбирларини фойдаланиш, қидирув фаолияти тўғрисидаги маълумотларни муҳофаза қилиш, тадбирларни ўтказиш тўғрисидаги қарорларнинг прокурор томонидан кўриб чиқилиши тартибига оид нормалар ҳам янги қонунда ўзининг аниқ ифодасини топган.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари ва бундай фаолиятни амалга оширишга кўмаклашаётган шахслар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари давлат ҳимоясида бўлиши, уларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш чоратадбирлари ҳам қонун билан кафолатлаб қўйилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, **"Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"**ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда дунёнинг ривожланган демократик давлатлари тажрибаси атрофлича ўрганиб чиқилди ва мазкур ҳужжат халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига тўлиқ мос келади.

Таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунчилигимизда мазкур қонун қабул қилингунига қадар ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг таркибий қисми ҳисобланган тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари тўлиқ очиб берилмаган эди. Бу соҳа Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, **"Прокуратура тўғрисида"**ги, **"Терроризмга қарши кураш тўғрисида"**ги қонунлар, Жиноят-процессуал кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиб келинарди.

Бу борада махсус қонуннинг қабул қилиниши эса, тезкор-қидирув фаолиятининг принциплари ва шакллари, уни амалга оширишда қонунийликни таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатларини янада мустаҳкамлади. Ўз навбатида, ушбу фаолиятнинг турли йўналишларини тартибга солувчи бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилган нормаларни яхлит бир тизимга солиш имконини яратди. Шу билан бирга, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштиришда ушбу қонун муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Qonun ko`magi

Фуқаро манфаати судда тикланди

Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари конституциявий асосда мустаҳкамланган. Амалдаги Меҳнат кодексида эса, ишга қабул қилиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, ишдан бўшатиш билан боғлиқ тартиб-қоидалар ўз ифодасини топган.



Судлар ушбу қонуний асосларга таянган ҳолда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб келмоқда. Шу ўринда ҳаётий бир мисолга эътибор қаратайлик. Узун туманидаги тиббиёт бирлашмаси маъмурияти билан бирлашманинг ташкилий-услубий бўлимида узоқ йиллардан буён статист-ҳамшира вазифасида фаолият юритиб келаётган Зебунисо Отамуродова ўртасида ўзаро келишмовчилик юзага келган.

Орадан кўп ўтмай бирлашма раҳбариятининг буйруғи билан З.Отамуродова бирлашмага қарашли болалар поликлиникасига уч ойлик муддатга услубчи лавозимига ишга ўтказиб юборилган.

Таассуфли жойи шундаки, Меҳнат кодексининг 95-моддасига кўра, З. Отамуродованинг ҳамда касаба уюшмасининг тақдимнома орқали розилиги олиниши лозим бўлса-да, бирлашма маъмурияти негадир бунга эътибор бермаган. Аниқроғи, меҳнат қонунларининг бузилишига йўл қўйилган. Энг ажабланарлиси, З. Отамуродова ўтказилган вазифа штат жадвалида мавжуд бўлмаган.

Ўз навбатида, З.Отамуродова ўз лавозимига қайтарилишини сўраб, бир неча марта оғзаки ва ёзма равишда маъмуриятга мурожаат қилган. Афсуски, унинг мурожаати натижасиз қолдирилган.

Шундан сўнг З.Отамуродова бузилган ҳуқуқларини тиклашни сўраб, судга мурожаат қилди. Суд тарафлар ҳамда гувоҳларнинг фикрини атрофлича муҳокама этиб, даъвогар асоссиз ишдан бўшатилганлиги боис, даъвони қаноатлантирди. Узун тумани тиббиёт бирлашмасининг 2012 йил 22 июлдаги № 95-Ш сонли буйруғини бекор қилиш билан бирга З.Отамуродова фойдасига мажбуран бекор юрган кунлари учун 385 минг сўм иш ҳақини жавобгар ҳисобидан ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Мухтасар айтганда, меҳнат қонунлари меъёрлари нафақат ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлайди, балки раҳбар ва ходим зиммасига ҳам муайян мажбурият ва масъулият юклайди. Зеро, тартиб-қоидаларга амал қилиш меҳнат самарадорлигини ошириб, жамият равнақига хизмат қилади. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Шерали ШОДИЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Сариосиё туманлараро судининг раиси

масъулият

бу борада лоқайдликка йўл қўйиш жавобгарликка сабаб бўлади

Таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунчилигимиздан инсонпарварлик, адолат тамойиллари мустаҳкам ўрин олган.

Олий суд Пленумининг **"Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари ҳақида"**ги қарори ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Мазкур қарорнинг 16-бандида судларга тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жиноят ишлари юзасидан ҳуқуқий асослар мавжуд бўлган ҳолларда айбдорларни муайян ҳуқуқдан маҳрум этмаслик тўғрисида тушунтириш берилган. Суд бу талабга риоя қилган ҳолда судланувчининг тадбиркор эканлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, айбига иқрорлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланишини инобатга олди. Пировардида А.Шаҳриевга нисбатан Жиноят кодексининг 45-моддаси, яъни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси қўлланмади.

Ўз навбатида, суд судланувчи А.Шаҳриевни Жиноят кодексининг 184-моддаси 2-қисми "б" банди, 189-моддаси 3-қисми ва 209-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбдор, деб топди. Ҳар бир модда бўйича унга нисбатан алоҳида-алоҳида жарима жазоси қўлланиб, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида тайинланган жазолар қисман қўшилиб, узил-кесил энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз ўн баравари — 22 миллион 430 минг 50 сўм миқдорида жарима ундириш белгиланди.

А.Шаҳриев томонидан берилган апелляция шикояти 2012 йилнинг 29 декабрида вилоят суди апелляция инстанциясида кўриб чиқилди. Апелляция судлов ҳайъати А.Шаҳриевнинг айби иш материалларига кўра, ўз тасдиғини топди, деган тўхтамга келди. Шунга кўра, биринчи босқич судининг ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқарди.

Халқимизга хос бағрикенглик, кечиримлилик сингари фазилатлар одил судловни амалга оширишда ўзига хос тамойил бўлиб хизмат қилади. А.Шаҳриев ҳам бундай мурувватдан четда қолмади. У Олий Мажлис Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги **"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"**ги қароринг 2-бандига асосан тайинланган жазодан озод этилди.

Гувоҳи бўлганингиздек, эгрилик ҳеч қачон яхшилик келтирмайди. Қолаверса, қинғир иш тадбиркорга ярашмайди. А.Шаҳриевнинг қилмиши мисолида ҳам бунга амин бўлдик. Амнистия акти қабул қилингани унинг жонига ора кириб, тайинланган жазодан озод этилди.

Хулоса қилиб айтганда, қонунчилигимизда ўз ифодасини топган кечиримлилик, бағрикенглик билиб-билмай адашган, хато қилган фуқароларга имкон бериб, уларнинг тўғри йўл топишига шароит яратмоқда. Бу нафақат ана шу инсонлар, балки уларнинг оилалари манфаати, жамиятда соғлом муҳит мустаҳкамланишига замин яратаётгани эътиборга молик.

Асқар МАМАРАҲИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг раиси

Huquqiy ma`rifat

Кимошди савдоси

у қандай тартибда ўтказилади?

Тараққиёт шиддат билан юксалаётган айни даврда оммавий ахборот воситаларида кимошди савдолари ўтказилаётгани тўғрисидаги эълонларга тез-тез дуч келамиз. Бозор иқтисодиёти шароитида бу табиий ҳол, албатта. Мамлакатимизда бу жараённи қонуний тарзда ўтказишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган.

Кимошди савдосига, одатда, ашёлар, шу жумладан, мулкий ҳуқуқлар каби фуқаролик ҳуқуқининг объектлари қўйилиши мумкин. Кимошди савдосида ғолиб чиққан шахс билан мулкдор ўртасидаги муносабатлар амалдаги қонунчилигимиз ва албатта, иккала тараф ўртасида тузилган шартнома асосида тартибга солинади.

Ашёнинг мулкдори ёки мулкий ҳуқуқ эгасининг ўзи кимошди савдосини ташкил қилиши ёки уни ихтисослашган ташкилотга топшириши мумкин. Асосий фаолият тури кимошди савдосини ташкил этиш ва ўтказишга йўналтирилган бундай ташкилотлар бугунги кунда самарали фаолият юритмоқда. Ашёнинг мулкдори ёки мулкий ҳуқуқ эгаси кимошди савдоси ўтказишни ихтисослашган ташкилот зиммасига юклаганида иккала тараф ўртасида топшириқ шартномаси ёки воситачилик шартномаси имзоланади.

Аукцион ва танловлар очиқ ва ёпиқ бўлиши мумкин. Очиқ аукционда ва очиқ танловда хоҳлаган шахс қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиб, бунда кимошди савдосининг ташкилотчиси томонидан савдо бошланишидан олдин дастлабки танлов ўтказилиши мумкин. Шу аснода кимошди савдоларида иштирок этиш истагини билдирганлар саралаб олинади.

Ёпиқ савдоларни ўтказишда ашё ёки мулкий ҳуқуқ эгаси унинг талабларига мос келувчи шахслар доирасини аввалдан белгилайди ва уларга савдода қатнашиш учун таклифномалар юборади.

Умумий қоидага кўра, ташкилотчи кимошди савдосини ўтказиш тўғрисида камида ўттиз кун олдин хабар қилиши керак. Алоҳида ҳолларда қонунда хабарнома юборилишининг бошқа муддатлари ҳам назарда тутилган. Масалан, автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулк аукционга қўйилганда, унинг ўтказилиш шартлари ўзгартирилмасдан, аукционнинг ўтказилиши ҳақидаги хабарнома унинг ўтказилишидан камида ўн беш кун олдин юборилиши шарт.

Очиқ кимошди савдоларини ўтказишда улар тўғрисидаги ахборот даврий нашрларда чоп этилади. Хабарда, ҳар қандай ҳолатда ҳам, кимошди савдосининг вақти, жойи ва шакли, кимошди савдосига нима қўйилаётганлиги ва уни ўтказиш тартиби, шу жумладан, кимошди савдосида қатнашишни расмийлаштириш тўғрисидаги, шунингдек, бошланғич нарх тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши керак.

Агар қонунда кимошди савдоси ўтказилиши ҳақидаги хабарда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хабар берган очиқ кимошди савдосининг ташкилотчиси аукцион ўтказишдан хоҳлаган вақтда, лекин у ўтказиладиган кундан уч кун олдин, танлов ўтказишдан эса — танлов белгиланган кундан камида ўттиз кун олдин бош тортишга ҳақли.

Очиқ кимошди савдосининг ташкилотчиси уни ўтказишдан мазкур муддатларни бузган ҳолда бош тортса, иштирокчиларнинг кўрган ҳақиқий зарарларини тўлаши шарт.

Кимошди савдосида қатнашишга бўлган ҳуқуқ талабномани асоссиз равишда қабул қилишни рад қилиш; кимошди савдолари ҳақида хабар бериш муддатларининг бузилиши; хабарнома мазмунига бўлган талабларнинг бузилиши; савдога қўйилаётган ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар тўғрисидаги ахборотни яшириш; савдо бошланишидан олдин унинг қатнашчилари ҳақидаги маълумотларнинг тарқатилиши, махсус таклифнома олмаган шахснинг савдоларда иштирок этишини расмийлаштириш шартлари бузилган тақдирда манфаатдор шахс талаби билан суд томонидан кимошди савдоси ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Айтиш керакки, кимошди савдосини ҳақиқий эмас, деб топиш талаби билан судга мурожаат қилиши мумкин бўлган манфаатдор шахслар — кимошди савдосининг қатнашчилари ва ташкилотчиси, шу жумладан, сотилган ашёнинг мулкдори ёки сотилган мулкий ҳуқуқнинг эгаси ҳамда кимошди савдоларида иштирок этишга рухсат берилмаган шахслар ҳисобланади.

Кимошди савдоларини ўтказишда қонун талабларига риоя қилмаслик эса, Фуқаролик кодекси талабига мувофиқ, битимнинг ҳақиқий эмас, деб топилишига сабаб бўлади.

Масалан, даъвогар "Урганч-Дўрман" муқобил машина трактор парки раҳбари Ғ.Алланазаров судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ташкилотга тегишли омборхона биноси солиқ қарзини қоплаш мақсадида сотувга қўйилганлиги, аммо кимошди савдосини ўтказишда қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлигини эътиборга олиб Республика кўчмас мулк биржасининг Хоразм вилояти филиалида ўтказилган 2010 йил 21 сентябрдаги 67/4-сонли аукцион савдо баённомасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлар ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, Хоразм вилояти хўжалик судининг 2009 йил 17 августдаги ҳал қилув қарорига асосан даъвогар "Урганч-Дўрман" муқобил МТПнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловларидан қарздорликни ундириб, ижрога қаратиш мақсадида даъвогарга тегишли бўлган Урганч тумани Дўрмон қишлоғида жойлашган умумий ер майдони 2060,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 367,65 кв.метрни ташкил этувчи чигит сақлаш омборхонаси Урганч суд ижрочилари томонидан хатланган.

Лекин ушбу бино танлов ғолиби, махсус лицензияга эга баҳоловчи ташкилот "Хоразм баҳолаш ва консалтинг маркази" томонидан эмас, балки танловда иштирок қилмаган "Интеллектуал-Хоразм" масъулияти чекланган жамияти баҳолаш корхонаси томонидан баҳоланган.

Шу сабабли фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг 2012 йил 30 августдаги ҳал қилув қарори билан мазкур аукцион савдо баённомаси ҳақиқий эмас, деб топилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, кимошди савдоларини ўтказишда қонун талабларига риоя қилмаслик ҳар қандай кимошди шартномаларини ҳақиқий эмас, деб топишга олиб келади. Шунинг учун кимошди савдоларини қонунчилик талабларига риоя қилган ҳолда ўтказиш ҳар қандай манфаатдор шахсларга ўзларининг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда ҳамда ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

О.МАТКАРИМОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилояти суди раисининг ўринбосари

Saboq

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш

ҳар биримизнинг зиммамиздаги бурчдир

Кундалик турмушимизда транспорт воситалари муҳим ўрин тутади. Узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қиладиган транспорт воситаларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёж уларнинг тури ва салмоғи кўпайишига ҳам йўл очди.

Ўз навбатида, бу йўл ҳаракати хавфсизлигига риоя этиш масъулиятини ҳам оширди. Боиси, транспорт воситалари билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган йўл-транспорт ҳодисалари айнан йўл ҳаракати қоидаларига риоя этмаслик натижасида келиб чиқади. Айтиш керакки, соҳага оид қонунчилик такомиллаштирилгани, жумладан, ҳаракат хавфсизлигига риоя этмаганлик учун жавобгарликнинг кучайтирилгани бу борадаги жиноятларнинг камайишига олиб келмоқда.

Шу ўринда рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судига 2012 йил давомида 79 та транспорт воситаларини бошқариш чоғида содир этилган жиноятлар билан боғлиқ жиноят ишлари келиб тушган. Бу олдинги йилга нисбатан 19 фоизга камайганлигидан далолат.

Бунда, албатта, **"Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонуннинг аҳамияти катта. Чунки ушбу кодексга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар йўл ҳаракати хавфсизлигини ҳамда аҳоли ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза этишга қаратилган. Қонунга мувофиқ, маст ҳолатда транспортни бошқариш, маст ҳолатдаги ҳайдовчиларнинг ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқаришига йўл қўйиш ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик кучайтирилди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, 2012 йил давомида жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар суди томонидан транспортни маст ҳолатда бошқарган 416 нафар шахс транспорт бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Масалан, К. Алиев йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузган. У акасига тегишли бўлган транспорт воситасини ишончномасиз бошқаргани етмагандай, йўлда ҳушёрликни ҳам унутиб қўйган. Акс ҳолда у автомашинаси билан йўлни кесиб ўтаётган К. Бердишевни уриб юбормаган бўларди. Содир бўлган ҳодиса бўйича жиноят иши қўзғатилгач, у жабрланувчининг соғлигини тиклашга кўмаклашди. Натижада улар ўзаро ярашиб олди. Бу ҳақда судга ариза тақдим этилгач, иш томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилди.

Яна бир мисол. С. Турекеев ҳам йўл ҳаракатлари қоидаларини қўпол тарзда бузган. У ҳам К. Алиев сингари йўлни кесиб ўтаётган Ж. Отамбетовни автомашинаси билан уриб юбориб, унга ҳаёти учун хавфли бўлган тан жароҳати етказган. Шундан сўнг прокурорнинг амнистия тўғрисидаги қарорга асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги илтимосномаси суд томонидан кўриб чиқилди ва шунга асосан жиноят иши қўзғатиш рад этилди.

Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунчилигимизда ўзининг теран ифодасини топган инсонпарварлик тамойиллари икки ҳолатда ҳам айбдорлар қилмишидан тўғри хулоса чиқариб олишга имкон яратди. Бу уларнинг хатоларидан тўғри хулоса чиқаришига йўл очиши билан бирга жабрланувчиларнинг манфаатлари таъминланишига шароит яратгани эътиборга молик.

Хулоса қилиб айтганда, транспорт воситалари ҳаётимизда нечоғлик муҳим ўрин тутмасин, ундан фойдаланиш меъёрларига риоя этиш барчанинг бурчи эканини ёдда тутайлик.

Гулнара БАЗАРБАЕВА,
жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг раиси

Sirli olam

Биз билган ва билмаган дунё



Аввало, шуни айтиш керакки, табиатда ўзига хос ўрин тутадиган жонзотлардан бири илонлар (лотинча Serpentes) жуда узоқ тарихни босиб ўтгани манбаларда қайд этилган. Мисол учун 2006 йилда Аргентина ҳудудидан қолдиқлари топилган, узунлиги 11 метр деб тахмин қилинган илон бўр даврида, аниқроғи, бундан тахминан 95 миллион йил аввал яшагани аниқланган.

ОЁҚСИЗ ЮГУРАДИ — ҚАНОТСИЗ "УЧАДИ"

Ҳозирги пайтда бу жонзотлар сайёрамизнинг Антарктидадан бошқа ҳамма жойларида учрайди. Фақат Ирландия ва Янги Зеландия оролларида, шунингдек, Атлантика уммонининг майда оролчалари ҳамда Тинч уммонининг марказий қисмида илонлар учрамаслиги эътироф этилади. Бироқ бу ҳудудларда илонлар умуман учрамайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди.

Айтиш жоизки, бугунги кунда сайёрамизда илонларнинг 23 оилага мансуб 3000 дан ортиқ тури яшайди. Улар қуруқликда, ботқоқликда, ер остида, саҳроларда, дарахтларда яшайди.

Илонлар энг кўп умуртқали жонзот саналади. Аниқланишича, илонларда 141 дан 435 тагача умуртқа бўлади, аммо тўш суяги, қулоқ тешиги ва ноғора пардаси бўлмайди. Айниқса, илонларнинг юз суяклари эластик, яъни чўзилувчан пайлар орқали ўзаро бирикканлиги боис ўзига нисбатан катта ўлжани ҳам бемалол юта олади. Тишлари ингичка, ўткир, орқага эгилган, улар гўёки, ўлжа оғзидан сирғалиб чиқиб кетмаслиги учун илгак вазифасини ҳам ўтайди. Заҳарли илоннинг юқори жағларида заҳар тишлари жойлашган бўлади.

Илонлар асосан ҳар хил умуртқали ва умуртқасиз жонзотлар билан озиқланади. Илонлар орасида ҳам нозиктаъб, ўзи суймаган таомга иштаҳаси очилавермайдиганлари, масалан, фақат дарё қисқичбақалари ёки қуш тухумидан бошқа ўлжани назар-писанд қилмайдиган турлари ҳам учрайди. Аксарият илонлар тухум қўйиш орқали кўпаяди.

Таъбир жоиз бўлса, турфаранг олам ичра илонларнинг ўзи бир олам. Аслида жуда кўп илонларнинг заҳри бўлмайди, заҳари борлари эса, бу "қурол"дан биринчи галда овда — ўлжасини тутиш учун фойдаланади. Ўзўзини ҳимоя қилиш мақсадидагина чақишини эса, унинг ҳаётидаги сўнгги чора сифатида қабул қилиш тўғрироқ бўлади. Бошқача айтганда, илонга бирор-бир жонзот хавф солмаса, у ҳам ҳужум қилмайди.

Таркибида аминокислоталар, ёғлар, ёғ кислоталари, ҳар хил тузлар, натрий, кальций, калий, рух, магний, фосфор, кремний, темир, мушак каби элементлар мавжуд бўлган илон заҳри тиббиётда кенг фойдаланилади, айрим илонларнинг териси чарм саноатида қўлланилади.

Дунёнинг баъзи халқлари илонларнинг тилини чиқариши, мунтазам равишда теварак-атрофда ҳаракатлантириб юришини ёлвориш, нола қилиш сифатида талқин этади. Ваҳоланки, илонлар айрисимон тилини чиқариб, ўлжа излаб, ҳид олади ва кейин дарҳол оғиз бўшлиғига бу ҳидларни «экспертиза» учун узатади. Шу тарзда доимий ҳаракатдаги тил ҳаво, тупроқ, сув, умуман, атроф-муҳитдаги ўлжа ёки хавф-хатарнинг ҳолатини аниқлайди.

Қадимдан турли халқларда аждар, аждаҳо, юҳо каби афсонавий махлуқлар ҳақида ҳар хил ривоятлар тилдан-тилга кўчиб юрган. Тўғри, илонларнинг питон, анаконда деган баҳайбат турлари бор. Уларнинг ҳайбати қўрқинчли бўлиши мумкин, лекин одам кўзига камдан-кам кўринади. Энг киччкина илон тури атиги 10 сантиметрга ҳам етмайди.

Илонларнинг пўст ташлаш ҳолати ҳам табиатдаги камёб ҳодисалардан саналадики, шу "ташлаб кетилган пўстин"ни кўриб ҳам, дейлик, маҳаллий аҳоли ўша жойдан узоқроқ юради. Аслида илон териси, кўпчилик тасаввур қиладигандек, ҳўл ва ёпишқоқ эмас, балки қуруқ ва силлиқ бўлади. Пўст ташлаш даври илонлар учун алоҳида тараддуд ва тайёргарликни талаб қилади. Шунинг учун улар бехавотир жой топишади ва бундай пайтда ўзларини емак-ичмакдан ҳам тийишади. Қари илонлар йилда бирикки маротаба, ёшлари эса, тўрт мартагача пўст ташлайди.

Кейинги йилларда бутун дунёда илонлар кескин камайиб кетмоқда. Мамлакатимизда эса, илонларнинг 20 тача тури тарқалган, улардан капча, кўлвор, қалқонтумшуқ, дашт қора илони ва қум чархилони кабилар заҳарли ҳисобланади. Гарчи ўта хавфли заҳар билан қуролланган эса-да, илонлар ҳеч қачон одамга биринчи бўлиб ҳамла қилмайди.

Интернет материаллари асосида Сафар АЛЛАЁРОВ тайёрлади.

Реклама ўрнида

SAVDOGARBANK

Ишончли ҳамкор

Аввало шуни айтиш керакки, тарих саҳифаларидан жой олган 2012 йил мобайнида чет эл капитали иштирокидаги «Савдогарбанк» томонидан аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Бу борада Президентимизнинг 2008 йил 21 февралдаги ПФ 3968-сонли **"Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармонига асосан барча зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Фармон талабларидан келиб чиқиб, омонатларга тўланадиган фоиз ставкалари аҳоли қизиқишини орттириш мақсадида қайта кўриб чиқилди. Омонатларнинг минимал миқдорига бўлган талаблар бекор қилинди ва оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилди.

Барча филиалларда омонатчилар учун маълумотлар пештахтаси ташкил этилдики, унда мавжуд омонатлар турлари, омонатлар бўйича барча маълумотлар сир тутилиши, турли ҳужжатлар ва маълумотномалар талаб этилмаслиги кўрсатилган. Шунингдек, омонатчилар учун ўзбек ва рус тилларида буклетлар чоп этилди ва барча филиалларга тарқатилди.

Аҳоли омонатларининг миқдори 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра, 26,2 миллиард сўмни ташкил этди ва йил бошига нисбатан 3,3 миллиард сўмга ёки 14 фоизга оширилди.

ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР ВА ТЕРМИНАЛЛАР

«Савдогарбанк» томонидан Президентимизнинг 2006 йил 3 августдаги **"Пластик карточкалар асосида накд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги, 2010 йил 19 апрелдаги **"Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги **"Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бугунги кунда жисмоний шахсларга 156 604 та пластик карточка тарқатилган. Савдо ва пулли хизмат кўрсатиш объектларига 3287 та терминал ўрнатилди. Банк тасарруфидаги 11 дона банкомат ва 8 дона инфокиоск аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Бинобарин, тўлов терминалларига талабларни қондириш мақсадида қўшимча равишда яна 1000 дона терминал сотиб олиниб, мижозларга тарқатилди.

Банк томонидан "SmartVista" онлайн тизимига ўтиш мақсадида "Фидо бизнес" ҳамда ТИФ Миллий банк билан шартнома имзоланди. Бунда барча терминаллар «Процессинг» марказида рўйхатдан ўтказилди ва булар ёрдамида банкларо тўловлар амалга оширилмоқда.

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

Банк томонидан 2012 йил давомида берилган инвестиция кредитлари миқдори 34 миллиард 181 миллион сўмни ташкил этди ва белгиланган режа кўрсаткич 100 фоизга бажарилди.

КРЕДИТЛАР АЖРАТИШ

Банк бўйича 2012 йил давомида барча манбалар ҳисобидан 89 миллиард 887 миллион сўм кредит маблағлари кичик бизнес корхоналари ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ажратилди ҳамда белгиланган режалар 120 фоизга бажарилди.

2013 йил 1 январь ҳолатига кўра, 24 миллиард 425 миллион сўм миқдорида микрокредит ажратилди ва режа 131 фоизга бажарилди.

ЁШ ОИЛАЛАРНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

2013 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк томонидан "Мустаҳкам оила йили"да ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредитлар миқдори 4 миллиард 438 миллион сўмни ташкил этди ва белгиланган режа 114 фоизга бажарилди.

Ажратилган кредитларнинг 2 миллиард 548 миллион сўми микрокредитлар, 217 миллион сўми истеъмол кредитлари ва 2 миллиард 676 миллион сўми ипотека кредитларини ташкил қилади.

ТАДБИРКОР АЁЛЛАРГА МАДАДКОРМИЗ

Шунингдек, банк томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 12 миллиард 710 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги **"Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги ПҚ-1050-сонли қарорига асосан ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ажратилган кредитлар миқдори 13 миллиард 669 миллион сўмни ташкил этиб, белгиланган режа 110 фоизга бажарилди.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги **"Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарорига асосан озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришга ажратилган кредитлар миқдори 24 миллиард 968 миллион сўмни ташкил этди.

ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ, ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА МОЛИЯВИЙ КЎМАК

Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги **"Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш мақсадида 2 миллиард 677 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди ҳамда белгиланган режа 133 фоизга бажарилди.

РЕЙТИНГ БАҲОСИГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА

Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги **"2011-2015 йилларда республика банк-молия тизимини янада ислоҳ қилиш ва унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"**ги қарори ва шу қарор билан тасдиқланган **"2011-2015 йилларда республика банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси"**нинг ижросини таъминлаш мақсадида банкнинг кредитга лаёқатлилик бўйича халқаро рейтинг олиши юзасидан "Мудис" рейтинг компанияси билан ҳамкорлик ўрнатилиб, банк 2011 йилнинг ноябрь ойида "Барқарор" рейтингини олди. Энг қувонарлиси, 2012 йил сентябрь ойида ушбу рейтинг баҳосига яна бир карра сазовор бўлди.

Банк ахборот хизмати.

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯҲЁЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-116. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 9512.
1 3 4 5 Топшириш вақти: 22⁰⁰ Топширилди: 23⁰⁰